

Нефть маҳсулотларини сотиш ҳақидаги

02/ 197-сонли ШАРТНОМА

Фарғона шаҳар

2022 йил “28” 01

“Фарғона нефть базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан Кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб аталувчи Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари А.Абдуганиев бир томондан ва “Истеъмолчи” деб юритилувчи ФАРҒОНА СОЛИК КОЛЛЕЖИ номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари З.Хакимов томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Таъминотчи” Республика хом шибё биржаси савдоларида ютиб олган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖнинг нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефть-газ тармоғининг молниявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан ўтган ҳафтада биржа савдоларида шаклланган ўртача котировка нархларида “Истеъмолчи”га сотади.

1.2. “Таъминотчи” Республика хом шибё биржаси савдоларида ютиб олган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ ва бошқа ишлаб чиқарувчилар, шунингдек импортёрлардан сотиб олинган нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефть-газ тармоғининг молниявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан биржа савдоларида сотиб олинган нарх устига ўзининг устамасини қўйиб “Истеъмолчи”га сотади.

1.3. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефть маҳсулотларини етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса етказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.4. “Таъминотчи”нинг (“Фарғона нефть базаси” МЧЖ ёки унинг филиалларининг) тасарруфида мавжуд бўлган резервуарларда (АЁҚШ ёки ФЁТШларида) “Истеъмолчи”нинг 1 тонна нефть маҳсулотларини сақлаганини, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қуйиб берганлиги учун “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га 1 суткага 3580 сўм миқдорда хизмат ҳақи тўлайди.

“Таъминотчи” (“Фарғона нефть базаси” МЧЖ ёки унинг филиаллари) мавжуд бўлган резервуарларда “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қуйиб берганлиги учун “Истеъмолчи”га ҳар ой якуни бўйича алоҳида ҳисоб-варақа (счёт-фактура) тақдим этади.

“Истеъмолчи” ҳисоб-варақа (счёт-фактура) олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун мобайнида тўловни амалга оширади.

1.5. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини сақлаш жараёнида нефть маҳсулотлари туридан келиб чиқиб “Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиниш, бериш ва ҳисобга олиш бўйича Йўриқнома”га асосан ҳар ой якуни бўйича “Истеъмолчининг” нефть маҳсулотига “табiiий йўқотиш” қўллаиди (табiiий йўқолган нефть маҳсулоти “Таъминотчи” томонидан қоплаб берилмаиди).

2. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ